

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

САНЪАТ ФАКУЛЬТЕТИ

**Касб таълими (“ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУХАНДИСЛИК
ГРАФИКАСИ”)**

Таълим йўналиши 3-босқич 301 гуруҳ талабаси

Xikmatova Durdona_{нинг}

КУРС ИШИ

Мавзу: “Тасвирий санъат жанрлари ”

Кабул қилди:

ТОШКЕНТ-2013 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I – БОБ: Тасвирий санъат жанрлари хақида умумий маълумот	
1.1. Рассомлар ижодида энг кенг тарқалган жанрлар (<i>портрет, манзара, натюрморт, тарихий жанрлар</i>).....	5
1.2. <i>Анималистик, батал, маиший</i> жанрларнинг ўзига хос жихатлари..	13
II – БОБ: Буюк рассомлар ижоди орқали тасвирий санъат жанрларини ўрганиб чиқиш	
2.1. Леонардо да Винчи-биринчи психологик портрет асосчиси.....	18.
2.2. Франс Хальс, Рембрандт Хармес ван Рейн, Малик Набиев портрет чўққисини эгаллаган рассомлар.....	19
2.3. Никола Пуссен, Клод Лоррен-манзара жанрининг асосчилари.....	24
2.4. XX аср Ўзбекистон рассомлари ижодида она табиат сиймоси.....	27
ХУЛОСА	35
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	37.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Мустақиллигининг асосчиси, бунёдкори бўлмиш Президентимиз И.А.Каримовнинг, - «Биздан келajak авлодларга озод ва обод Ватан қолсин», - деган чақиригини тафаккуримизга маҳкам жойлаган ҳолда, уни амалга оширишга кучимиз, илмимиз, ижодимиз ва саҳоватимиз етгунча курашамиз дейди, шу ўринда тасвирий санъат катта роль эгаллайди. Санъат жуда қадим замонларда, меҳнат жараёнининг тараққиёти натижасида пайдо бўлди. Меҳнат жараёнида инсон тафаккури қамол топди, гўзаллик ҳисси ортиди, воқеликдаги гўзаллик, қулайлик ва фойдалилик тушунчалари кенгайди. Синфий жамият вужудга келиши билан эса ижтимоий тараққиётда катта узгаришлар содир бўлди: ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқа бошлади. Бу эса фан ва санъат ривожига муҳим аҳамият қасб эди. Профессионал санъат ва санъаткорлар шу даврда пайдо бўлди. Санъат эса ўзининг специфик хусусиятини, синфийлигини намоён этиб, ҳукмрон синфнинг идеологиясини тарғиб этувчи қучли гоявий қуролга айланди. Лекин шунга қарамай, омма орасидан етишиб чиққан истеъдодли ижодкорлар меҳнаткаш халқ оммасининг орзу-истакларини, уларнинг гўзаллик ва худбинлик, олижаноблик ва инсонпарварлик ҳақидаги тушунчаларини ифода этувчи асарлар яратдилар. Халқнинг турмуши, ҳуққ ва одатлари, ютуқ ва мағлубиятлари уларнинг асарларида ўз ифодасини топди. Ҳар бир даврда мавжуд бўлган ана шундай санъат ҳаёт гўзалликларини тасвирлаб, одамларда юксак ҳислат ва фазилатларни

камол топтирди, уларни тенглик, озодлик, биродарлик, ёрқин келажакка интилиш йўлидаги курашга даъват этди. Санъатнинг ана шу сафарбарлик кучи, айниқса, эзувчи ва эзилувчи синфлар орасидаги зиддият кескинлашганда ортди. Икки ижтимоий система орасидаги кураш янада кучайган бизнинг асримизда унинг бу хусусияти янада ортиб бормоқда. Бизнинг мамлакатимизда санъат коммунистик тарбиянинг кучли воситаси бўлиб, киши-ларни илғор қарашлар билан қуроллантиришда, мустаҳкамлашда, уларнинг келажакка ишончи ва коммунистик ахлоқ асосларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгаллайди. Илғор, ўз моҳияти жиҳатидан халқчил бўлган социалистик санъат киши-ларни актив фаолиятга, жамиятни революцион тарзда қайта қуришга ундайди. Ижодкорларимизнинг ҳаққоний ва ҳаётбахш коммунистик ғоялар билан суғорилган асарлари совет киши-лари учун шодлиқва илҳом манбаиҳамда ахлоқий тарбия воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Санъатшунослик фанининг бир бўлими бўлган санъат тарихи ана шу санъат (асосан, тасвирий санъат)нинг пайдо бўлишидан то ҳозирги замон босқичи-гача бўлган давр санъати тараққиётини ўрганади, шу давр мобайнида яшаб ижод этган ва ижод қилаётган санъаткорлар ҳаёти ва ижодий фаолияти билан танишади, уларнинг асг\рла-рини таҳлил этади, таққослайди. Санъат тарихи тараққиётида содир бўлган турли бадиий мактаб, йўналиш, оқим ва услублар курашининг моҳиятини ёритади.

Ҳақиқатан ҳам инсоният яратиб қолдирган маданий бойликлар фақат ўтмиш кишиларидан қолган ёки яратилаётган бойликлар бўлиб қолмай,

балки ўзида инсон ақл-заковати, ҳаёт тўғрисидаги фикр-ўйларини акс эттирувчи кўзгу ҳамдир. Жаҳон санъати тарихини ўрганиш, унинг тараққиёт қонунла-рини тушуниш, нодир ёдгорликлар билан танишиш ўтмиш одамларининг ҳис-туйғу, ҳаётий тажрибаларини ўрганиш ғоя-вий-эстетик қарашларининг шаклланишини билиш демакдир. Бу сўзсиз, кишиларда ҳаётий тажрибаларнинг бойишига, ҳаётга янада кенг ва атрофлича ёндашишга ёрдам беради.

I – БОБ: Тасвирий санъат жанрлари хақида умумий маълумот

1.1. Рассомлар ижодида энг кенг тарқалган жанрлар (*портрет, манзара, натюрморт, тарихий жанрлар*)

Жанр сўзи француз тилидан - тур кўриниш деган маънони англатади.

Умумий тушунчаси бу - чегараланган мавзуни ўзида акс эттирадиган санъат асарлари. Масалан, манзара, табиат кўринишларини акс эттирадиган расмларни манзара жанрига оид расмлар дейилади. Алоҳида ёки одамлар тўпини акс эттирадиган расмлар эса портрет жанридаги расмлар дейилса, мева, гул, уй буюмлари ва шунга ўхшаш нарсаларнинг тасвирини акс эттирувчи расмлар натюрморт жанридаги расмлар дейилади ва х. к.

Портрет (франц. *portrait, portraire* - тасвирлаш) – Одам ёки одамлар гуруҳини акс эттирувчи тасвирий санъат жанри. Мазкур жанрда мавжуд бўлган ёки ўтиб кетган бирор бир шахс ёки шахслар гуруҳи, рассом (ижодкор) тасаввурида пайдо бўлган ҳаёлий қиёфалар акс этиши мумкин. П. ҳам санъатнинг бошқа турлари сингари ижодкорнинг дунёқараши билан, унинг ҳаётга, борлиққа бўлган муносабати билан боғлиқ. Портретнинг муҳим томони бу тасвирланувчининг айнан ўзига ўхшатиш билан боғлиқ. Портрет иборасининг келиб чиқиши ва дастлабки маъноси ҳам эски француз тилида «ўхшатиш», «бор нарсани ўзига ўхшатиб қайтариш» мазмунидан олинган. Лекин бу рассомнинг тасвирланувчига бўлган муносабати (хурмати, нафрати ва х.к.)ни акс эттиришга халақит бермайди. Рассом портрет орқали тасвирланувчи шахснинг маънавий дунёсининг бой

ёки қашшоқлигини, ижтимоий ҳаётдаги ўрни, касби, жамиятдаги мавқини акс эттириши ва унинг шу жихатлари орқали давр хусусияти, сиёсий иқтисодий аҳвол ҳақида маълумот бераолади. Бу эса рассомнинг ғоявий эстетик ва сиёсий қарашлари даражаси билан боғлиқ. Шунинг учун етук портрет асарлари орқали на фақат шахс ҳақида балки шу шахс яшаган давр, муҳит ҳақида маълумот олиш мумкин. Рассомнинг профессионал маҳорати, портрет ишлаш учун танлаган материаллари (бўёқ, расм ишланадиган асос, иш асбоблари ва х.к.) эса унинг яратган асарларига қайтарилмас, бетакрор ўзига хослик бахш этади ва дастхатини белгилайди.

Тарихан Портрет санъатида хилма хил тур ва кўринишлар шаклланган. П. ишланиш услуби (техникаси), бажарадиган вазифаси, мазмунига қараб Дастгоҳ, монументаль портрет тарзида тасвирланувчи(ёки тасвирланувчилар) нинг фақат бош қисми, бош ва елка қисми, белигача, бутун бўй басти билан унинг олд , ён томонидан ишланиши мумкин. Мазмунига қараб тантановор парад портрет, интим, интим лирик портрет бўлиши мумкин.

Портрет турли нишон, танга, медаллар юзасига ишланиши(Медальер санъати), гемма(Глиптика)да, медальонларда учрайди.

Портретда тасвирланган одамлар сони, улар тасвирланган муҳит(замин-фон) ва мазмунига кўра яқка, қўшалок ва гуруҳ портретларга ажралади.

Портретнинг яна бир тури автопортрет бўлиб, рассомнинг ўзини ўзи ишлаган портретлар назарда тугилади. Портрет санътида тасвирланувчи

соф холда атрофдаги мухитни кўрсатмасдан тинч холатда тасвирланиши ёки унинг бирор фаолияти билан маълум мухитда ишланиши мумкин. Бунда тасвирланувчи фаолиятини билдирувчи буюмлар, уларнинг сифати ва хусусияти, яшаётган мухит ва ҳ.к тасвирланувчи фъели ва фаолияти моҳиятини тушунишга хизмат қилади. Шунинг учун портретларни шартли соф портрет ва портрет – картинага, аниқроғи жанрли портретга ажратиш мумкин, Жанрли портрет мазмунига кўра тарихий портрет ёки маиший портрет деб номланади.

Портрет санъатининг яна бир кўриниши бу йиғма портрет- портрет типдир. Бундай портретларда рассом турли одамларнинг энг характерли томонларини йиғиб, жамлаб янги умумлашма қиёфа яратади. Бундай портретда бирир аниқ шахс бўлмаслиги, лекин даврнинг энг характерли шахси қиёфасини акс эттиради.

Шахснинг фақат ижобий томони эмас, балки унинг салбий томонларини акс эттирувчи сатирик портрет, кулгили томонини кўрсатувчи шарж портретлар ҳам шу жанрга мансуб. Сатирик портретлардан шаржнинг фарқи у хазил мутоиба, самимий тарзда бўлади ва шахснинг шаъни, ғурурини камситмаган холда унинг фъел атворидаги айрим ўзига хос томонларини кўрсатиши мумкин.

Манзара жанри Тасвирий санъатнинг лирик турларидан бири, унда реал ёки ҳаёлий табиат кўринишлари орқали рассомнинг хис туйғулари, ўй хаёллари, орзу истаклари ўз ифодасини топади. Бу жанрда инсон фаолияти билан ўзгариб бораётган табиат манзаралари, меъморий қурилмалар, тоғ

манзаралари, денгиз тўлқинлари тасвирланади. Табиат кўринишлари мавзули композициялар мазмунини тўлдирувчи восита сифатида ҳам иштирок этиб рангтасвир ва графика асарларида, ҳайкалтарошликнинг бўртма кўринишларида кенг ишлатилади. Табиат манараларининг акси қадимдан рассомларнинг диққатини ўзига жалб этиб келган. Турли маиший, тарихий ва батал жанрида ишланган расмларда табиат кўринишлари ва унинг унсурлари кенг учрайди. Қадимги Шарқ мамлакатлари жумладан Оссурия, Бобил, Миср деворий расм ва бўртма тасвирларида шуни кўриш мумкин. Ўрта Осиё маданиятида Қадимги Хоразм деворий суратларида манзара жанрининг ўрни салмоқли. Ўрта асрларга келиб манзара жанри миниатюраларда, монументал деворий расмларда учрайди, Ўрта асрлар Хитой санъатида ҳам манзара жанри муҳим ўринни эгаллаб «тоғ ва сувлар» туркум асарларида ўз аксини топди. Ўрта аср хитой рассомлари Го Си(11 аср), Ма Юань, Ся Гуй (хариккиси. 12 асрнинг 1-ярми. 13 аа.), Му-ци (13 а. 1-ярми..) манзара жанрида салмоқли асарлар яратиб қолдирдилар. Ўрта аср япон манзарачилиги ҳам сезиларли ютуқларга эришдилар. Инсоннинг табиат кўйнидаги фаолиятини манзара кўринишларида ифодаладилар. Кацусика Хокусай ва Андо Хиросигэ ижоди шу ўринда эътиборга лойиқ. 13-15 асрлардан бошлаб европа рассомчилигида манзара муҳим ўринни эгаллай бошлади. Ва яратилаётган асарларнинг ажралмас қисмига айлана борди. Уйғониш даври рассомлари табиатни ўрганиш, инсонни ўраб турган муҳитни тўлақонли тасвирлашга интилиш реалистик саъят ривожда

мухим ўринни эгаллай бошлади. Шу ҳаракатлар манзара жанрининг мустақил жанр даражасига кўтарилишига замин яратди..17 аср бошларига келиб қатор рассомлар ижодида, жумладан италиялик ака ука Каррачилар ижодида мумтоз манзара тамойиллари шаклланди. Манзара жанри ҳам ўзида юксак идеалларни акс эттирувчи санъат тури қаторига ўта бошлади. Никола Пуссен, Клод Лорен ижоди, Сальвадор Роза ва б ижоди шу хусусиятларни ўзида ифодалади. Манзара жанри ривожига голланд рассомлари ҳам сезиларли ўринни эгалладиар..Я. ван Гойен, Х. Сегерс, Я. ван Рёйсдал, М. Хоббема, Рембрандт, Я. Вермер Делфтли ва бошқа рассомлар ўз асарларида табиатнинг жонли кўринишини ўз хиссий кечинмалари, ўй хаёллари билан бойитдилар. Манзара мустақил жанр сифатида ҳаётга кенг кўламда кириб келди. Манзара жанрининг янги босқичи 19 асрнинг иккинчи ярмидан бошланди . Табиат кўринишларини ҳаққоний тасвирлашга нур - хаво тўла асарлар яратишга ҳаракат қилиш француз рассомлари ижодида сезиларли ўринни эгаллади. 19 аср ўрталаридан бошлаб очик кенгликда (пленерда)расм ишлаш одат тусига кира борди. Бу хусусда Буюк Британияда Ж.Констебл, Россияда А.Иванов каби рассомлар фаоллик кўрсатдилар. Аста Францияда барбизон мактаби вакиллари, шунингдек К.Коро шу масала билан жиддий шуғулланиб унинг ривожига ўз хиссаларини қўшдилар.Пленэрнинг ҳақиқий ривожига 19 асрнинг иккинчи ярмига тўғри келиб айна шу даврдан бошлаб Пленеэр ибораси ҳаётга кириб келди, муомалада қўлланилиб француз импрессионист рассомлари –К.Моне, К.Писсаро, О.Ренуар ижодига

нисбатан ишлатила бошланди. 19 аср охири 20 аср бошларида пленэр рангтасвири Европа, Осиё, Америка рассомлари ижодида ўз ифодасини топди. Ўзбекистонга бу рангтасвир 19 аср охirlаридан кириб келди. Л.Бурэ, И.Казаков, О.Татевосян, А.Исупов ва б., кейинроқ П.Беньков ва унинг шогирдлари(Р.Тимуров, А.Розиқов ва б.) ижодида ривожланди. 20 аср манзара рассомлиги шу даврнинг ғоявий пласти изланишлари билан узвий боғлиқ. Турли оқим ва йўналишлар манзара жанрида ҳам ўз ифодасини топди..Ўзбекистонда манзара жанри ҳам узок тарихга эга бўлса ҳам лекин унинг кенг кўламда ривожланиши 20 асрнинг ўрталаридан бошланди. Урол Тансиқбоев, Рашид Тимуров, Николай Коракон, Неъмат Қўзибоев кейинроқ Анвар Мирсоатов, Абдуманноп Юнусов ва бош. ижоди шу жанрнинг турли кўриниш ва йўналишларини намоён этади.

Неъмат Қўзибоев

Марина (итал.денгизники, денгиздан) жанри- денгиз кўринишлари, ундаги ҳаёт, инсон ва денгиз муносабатлари , инсоннинг денгиз ичидаги курашларини акс эттирувчи санъат(расм, рангтасвир, гравюра, рельеф-бўртма тасвир) тури. XVII асрда Голландияда мустақил жанр сифатида шаклланган. Италиялик Ж.Верне, инглиз Ж.Тернер, рус И.Айвазовский, Боголюбовлар шу жанрда самарали ижод қилишган. Ўзбекистонда бу жанр XX асрнинг 50 - йиллардан шаклланиб Мадгазин ва Матевосянларнинг Орол денгизига бағишланган асарларида, Г.Абдурахмоновнинг Гурзуфда ишлаган композицияларида ўз ифодасини топган.

Натюрморт (франц. nature morte, итал. natura morta, ўлик табиат) инсонни ўраб турган борлиқ - турли буюмлар, овда отилган қуш ва ҳайвонларнинг жонсиз таналари, ов , меҳнат ва жанг қуроллари, гул ва мевалар ва бошқа шунга ўхшаш буюмларларни ўзида акс эттирадиган тасвирий санъат тури. Бу жанр асосан 17 асрда шаклланган ва ривожланган. Бунга қадар у мавзули композицияларнинг тўлдирувчи , мазмунини чуқурроқ тушунишга хизмат қилувчи восита сифатида қўлланилиб рамзий мазмунда ишлатилган Натюрморт жанри унсурлари қадимги дунё санъатида учрайди, лекин мустақил жанр бўлиб шаклланиши янги давр билан боғлиқ. Моддий дунёги қизиқишнинг ортиши билан натюрморт жанри ҳам ривож топа борди. Италия, нидерландиялик рассомлар шу жанрда дастлабки асарларини яратдилар. 17 асрга келиб бу жанр ўзининг гуллаш даврини бошидан кечирди.унинг турли тип ва шакллари пайдо бўлди., миллий мактаблар шаклланди. Италиялик Караважо ва унинг давомчилари- караважистлар шу жанр ривожига катта хисса қўшдилар. Италия, Испания ва голландия рассомлари шу жанрнинг бой имкониятларини ўз ижодлари билан намоён этдилар. Натюрморт ишловчи рассомларнинг сеvimли мавзулари гуллар , мева ва сабзовотлар, ошхона анжомлари, денгиз ноз неъматлари эди. В. Хеда ва П. Клас «нонушталари», В.Кальфнинг «дисертлари, А.Бейрен «балиқлари» ва бошқа натюрмортлар унинг рангбаранглигини билдиради. Расм. В. Хеда. «Нонушта» .17 асрнинг охири 18 асрларда Франция санъатида ҳам натюрморт жанрида муҳим асарлар яратилди. Ж. Б. С. Шарден натюрмортлари ўзининг нозик

колорити, эркин композицияси билан эсда қолади. Расм. Ж. Б. С. Шарден. Санъат атрибутлари. 19-20 асрларда яратилган натюрморт асарлари шу йилларда бадиий ҳаётда содир бўлган жараёнлар билан узвий ривожда бўлди. 19 асрнинг ўрталаридан бирин кетин пайдо бўлган турли санъат йўналишлари натюрморт жанрида ҳам ўз ифодасини топди. Э.Манэ, К.Моне, П. Сезанн, В. ван Гог А. Матисс, Ж. Брак, П. Пикассо, Х. Грис ва б ижодида янги жараёнлар ўз ифодасини топди. Ўзбекистон санъатида натюрморт жанрининг айрим кўринишлари қадимги дунё ва илк ўрта асрлар санъатида учраса ҳам, масалан Тупроқ қалъа шохлар саройи деворий расмларида гул ва мевалар тасвири, Афросиёб деворий расмида тус товуклар олдида турган вазадаги мевалар, ўрта аср наққошлик ва деворий рассомлигида учрайдиган гулдондаги гуллар ва х., лекин унинг ривожланиши ва жанр тарзида шаклланиши 20 асрнинг 20-30 йилларига тўғри келади. Латиф Насриддинов, Шамсирўй Хасанова каби ўзбек рассомлари шу жанрнинг дастлабки дастгоҳ кўринишларини яратдилар. Расм. Ш.Хасанова. Натюрморт. 1943йил. Ю.Елизаров, Н.Кашина, З.Ковалевская, Р. Ахмедов, / Абдурахмонов ва б. шу жанрда сезиларли асарлар яратдилар. Бугунги кунда бу жанр ўзбек рассомларининг кўпчилигининг севамли жанри ҳисобланади, А.Юнусов, А.Икромжонов, В.Бурмакин, Е. Мельников ва б.ларнинг шу жанрдаги асарлари музей экспозицияларидан ўрин олган. Расм. А.Икромжонов, натюрморт,

Тарихий жанр. Тасвирий санъатнинг муҳим жанрларидан бири тарихий жанр ҳисобланади. Ижтимоий ҳаётда содир бўлган ва жамият ривожига бурилиш нуқталарини белгилаган воқеа ва ҳодисалар, тарихий шахслар рассомнинг дастгоҳ ва маҳобатли асарларида, бўртма тасвирларда, ҳайкал ва ёдгорликларда, кичик ҳажмдаги миниатюралару дастгоҳ графика асарларида ўз ифодасини топиши мумкин. Тарихий манзиллар, қадамжолар ҳам шу жанрнинг сюжети ҳисобланади. Тарихий жанр батал жанри билан яқинлашиб кетади. Жанр воқеаларининг ҳал қилувчи дамлари акс эттирувчи композициялар шундай асарлар қаторига киради. Жумладан Александр Македонскийнинг Доро билан бўлган жангини акс эттирувчи мозайика, (мил. ав 4-3 асрлар)

1.2. *Анималистик, батал, маиший жанрларнинг ўзига хос жихатлари*

Анималистик жанри. Тасвирий санъат жанрлари ичидаги «кекса» жанрлардан анима жанри бўлиб унда ҳайвонлар ҳаёти, уларнинг хусусиятлари, фел атвори ўз ифодасини топган. Анима сўзининг маъноси ҳам лотинча бўлиб ҳайвон маъносини анатади. Ибтидоий давр рассоми ўз атрофида мавжуд бўлган зубр, мамонт, кийик ва бошқа ҳайвонларнинг кўринишини ҳаққоний тасвирлаб бугунги кун тамошабинини ҳамон лол қолдириб келмоқда. Деярли 10-15 минг йил аввал ишланган бу расмларда рассом ҳайвонларга хос эпчиллик, куч қудратлиликини маҳорат билан тасвирлайди, бўртма тасвирини ишлайди. Евроосиё ҳудудида яшаб ижод

қилган скифлар ҳам санъат тарихида ҳайвонларни тасвирлаш услублари билан шу жанр имкониятларини кенгайтirdилар. Расм. Қадимги Миср тарихи ҳам анима жанрига бой. Бу ерда ҳайвонларнинг улуғвор ва ҳаққоний ҳайкалларни ярадилар. Чунки мисрликлар ҳайвонларга нисбатан ҳурмат билан қараганлар ва уларни худо даражасида эъзозлаганлар. Расм. Қадимги Америка маданиятида, у ернинг маҳаллий аҳолиси - хиндулар ҳам анимал жанрида бетакрор асарлар яратдилар. Хитой маданиятида бу жанрда ўта ҳаракатли ажойиб ҳайвонларнинг ҳайкалларини яратдилар. Расм Олд Осиёда буқа боши тасвири кенг учрайди. Бундай деярли 5000 йил аввал ишланган арфа асбоби тепа томонига ишланга буқа боши ҳайкали ўзининг ҳаётийлиги билан характерланса. Иккинчи томондиге ишланиш маҳоратининг юқорилиги билан ҳам кишини ҳайратлантиради. Инкрустация услубида бажарилган бу ҳайкалда турли қимматбаҳо маданлар уйғунликда яратилган. Оссурия бўртма тасвирларидаги ов манзараларининг акс эттирувчи бўртма тасвирлар жаҳон ҳайкалтарошлигининг ажойиб намунаси ҳисобланади. Ов пайтидаги ҳаракат. Яраланган шерлар даги сўниб бораётган куч ҳайкалтарош томонидан усталик билан кўрсатилган. Расм Яраланган шер бўртма тасвири. Уйғониш даврига келиб ҳайвонларнинг ўзига қараб расмини ишлаш одати кенгайиб борди. Шундай расмларни италиялик рассом Леонардо да Винчи, немис рассоми Альбрехт Дюрер ижодида учратамиз. Анима жанрининг ривожланиши ва мустақил жанрга айланиши 15-17 асрларга бориб тақалади. Шу жанрни бошловчилари голландиялик А.Кейп

ва П. Поттер хисобланади. Улар уй ҳайвонларини табиат кўйнида, яйловларда мохирона тасвирлайдилар. 19 асрнинг йирик рассоми француз А.Бари ҳайвонларни эрксевар ва енгил холда акс эттиради. К.Труайон кишлоқ манзараси кўйнида осойишта ўтлаб юрган ҳайвонларни меҳр билан тасвирлайди. Рус рассомлари В.Ватагин, ҳайкалтарош ва рассом И. Ефимов ўз асарларида ҳайвонларнинг ўзига хос фазилатларини мохирона тасвирлайдилар. Расм...Ўзбек санъатида бу жанр қадимий бўлиб ибтидоий даврнинг палеолит ва айниқса мезолиа ва неолит даврида ҳайвонларга бағишланган кўплаб асарлар яратилди. Зараутсой расмлари, Тақатош, Хўжакент тасвирлари шунга мисол бўлаолади. Тупроқ қалъа, Варахша, Афросиёб деворий расмларида ҳам ҳайвонлар тавири кенг учрайди. Турли кушлар йиртқич ҳайвонлар. Енгил безакка бой от ва архарлар тасвири шу давр деворий расмларига алоҳида пайз киритган Расм.Ўзбек замонавий тасвирий санъатининг ривожланиши ҳам шу жанрда бошланди десак муболаға бўлмайди, Чунки 19 аср охирида ўзбек санъатидаги янги жараён айти шу санъатда кўрина бошлади. Абдурахим тоштарошнинг Бухоро амири Олимхон сарой кира веришига ишлаган шерлар ҳайкали, княз Романов саройи атрофига ўрнатилган кийик, ит ва қурбақалар ҳайкали шу янги давр қарашининг натижаси эди. 20 аср ўрталарига келиб бу жанр кенг кулоч ёйа бошлади. Унинг ижодкорлари пайдо бўла бошлади. Халқ усталари Усто Умар Жўрақулов, Хамро Рахимова, кейинроқ Абдурахимовлар ижодида халқ санъати услубида бажарилган афсонавий ҳайвонлар, ҳайкалчалари кўرғазмаларда намойиш этила бошланди.

Профессионал ҳайкалтарошлик А.Бойматов, М.Иванов, Т.Қосимов, Ш. Мўминова ва б. ижодида ривожланиб борди. **Анималист** (латин. "animal" - ҳайвон) - ҳайвонларни тасвирловчи рассом ёки ҳайкалтарош.

Botal janr - "botal" frantsuzcha so'z bo'lib, "jang", "urush" ma'nosini bildiradi. U jang manzaralarini o'zida aks ettiradi. Bu janrda jang va harbiy yurishlar manzarasi asosiy o'rinni egallaydi.

Маиший жанр- жамият ва шахсий ҳаётдаги кундалик турмуш тарзини ўзида акс эттирувчи тасвирий санъат жанри. Бу жанрда рассом(ҳайкалтарош) ўз замонасидаги кундалик турмушда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни, одамларнинг яшаш тарзи, дам олиши, меҳнати ва спорт билан шуғулланиши, ҳуллас уларнинг кундалик фаолияти бу жанрнинг мазмунини ташкил этади. Инсонларнинг маиший ҳаётини акс эттиришга қизиқиш қадимдан мавжуд бўлса ҳам лекин унинг ривожланиши ва мустақил жанр даражасига айланиши 17 асрдан бошлаб жамиятда содир бўла бошлаган демократик тамойилларни ортиши билан боғлиқ, Шу даврдан бошлар рассомлар ижодида оддий халқ ҳаётига бағишланган асарлар кўпайди, мавзуси кенгайди.Бу жанр Голландияда кенг ривожланди. Буюк Рембрандт, кичик голандлар Питер де Хоох, Терборх, Ян ван Остаде ва бош. ижодида шу жанр етакчи ўринни эгаллади. Францияда Жан Батист Шарден, Англияда Уильям Хогарт, Россияда П.Федотов, В. Перов, И.Репин ва бош. ижодида ҳам шу жанр хусусиятлари ўз ифодасини топди. Ўзбек санъатида маиший жанр 20 асрнинг 20-30 йилларидан бошлаб ривожлана бошлади. Б.Хамдамий, Л. Абдуллаев ,

Х.Рахмонов, З.Иноғомов ва бошқалар шу жанрнинг дастлабки намуналарини яратдилар.Н.Кашина, З.Ковалевская, М.Саидов ижодида ҳам шу жанр етакчи ўринни эгаллайди.Бугунги кунда ҳам бу жанр кўплаб ижодкорларни ўзига жалб этиб келмокда.

I I – БОБ: Буюк рассомлар ижоди орқали тасвирий санъат

жанрларини ўрганиб чиқиш

2.1. Леонардо да Винчи-биринчи психологик портрет асосчиси

Юқори Уйғониш даври услубининг асосчиси ва типик вакили Леонардо да Винчи санъатнинг кўпгина турларида ўз кучини синаб кўрди, математика, механика, физика соҳасида илғор фикрларни илгари сурди. Леонардо учун санъат ҳаётни билиш воситаси бўлди. Унинг реал воқелик асосида ишлаган суратлари кейинчалик илмий асарлари учун иллюстрация вазифасини ўтади. Ижодкор характериға хос бўлган бу хусусият у яратган ранг-тасвир асарининг ўзига хос томонларини белгилайди. Унинг ҳар бир асари ҳаётни ўрганиш замирида юзага келган, ижодкорнинг қалб ҳарорати билан иситилган ва ҳаётга бўлган муносабатини ифодаловчи асарлардир. Рассомнинг «Гул ушлаган Мадонна» (Бенуа Мадоннаси) деб номланган илк асарида шундай хислатлар мавжуд. Рассом композицияда ортиқча деталь ва лавҳалардан воз кечиб, тасвирланувчининг характеристикасини кучайтиришга, шакллари умумлаштиришга интилан. Композицияда ёш она тиззасида ўтирган гўдакнинг она кўлидаги гулга талпи-наётган пайти тасвирланган. Тепа томондан тушаётган ёруғлик тасвирнинг янада яққол кўринишига имконият яратган. Дарчадан кўринаётган осмон композиция мувозанатлигига хизмат қилиб, образни ҳескиз табиат билан узвий боғлаган. Асарда ҳеч қандай диний-мистик кайфият йўқ. Она ва бола боши ат-рофига ишланган тилла гардишни ҳисобга олмаганда, ҳаммаси

оддий флоренцияликнинг уйидаги бахтни, она ва бола шод-лигидаги гўзалликни куйловчи асар сифатида намоён бўлади. Бу асар дунё сирларини билишга қизиққан, нур ва гўзалликка интилган инсонни севган рассомнинг дунёкарашини намоён қилади.

Милан француз кўшинлари томонидан босиб олинган йили Леонардо Флоренцияга қайтиб келади. Бу ерда «Ангиари олдидаги жанг» деворий суратининг картонини яратади, шунингдек, ўзининг машҳур асари «Мона Лиза» (Жаконда) асарини ишлайди. «Мона Лиза» портрети (1503) жаҳон рангтасвирининг машҳур ёдгорлигидир. Бу портрет билан Европа санъатида *чуқур психологик портрет* санъати бошланади.

Аслида хотиржам, ўз суҳбатдошига нисбатан самимий ва меҳр кўзи билан боқиб ўтирган флоренциялик аёл тасвирланган. Унинг ортида мураккаб табиат кўриниши акс эттирилган. Аёл шу табиатнинг ажралмас қисми ва у билан узвий боғланган. Сочлари, кийимларидаги букланиш ва жимжималар гўё табиат ритмини қайтараётгандек туюлади. Ана шулар фонида майин ва нозик қилиб ишланган аёл қиёфаси, ниҳоятда чиройли кўллари янада латофатли ва гўзал бўлиб туюлади. Бу латофат ва гўзаллик унинг нигоҳидаги самимийлик ва меҳрибон-лик билан уйғунлашиб, идеал гўзал инсон қиёфасини гавдалантиради.

2.2. Франс Хальс, Рембрандт Хармес ван Рейн, Малик Набиев –

портрет жанрининг чўққисини эгаллаган рассомлар

Frans Hals (1560-1666). Golland realistik portret san'ati asoschisi, xarakteri jixatidan maishiy janrda guruh portret janirini yaratib, jahon

portretchilik san'atini boyitgan novator san'atkor Frans Xal's Antverpen shaxrida tug'ilgan. Garlem shaxriga ko'chib kelib, butun umr shu erda yashagan. XVIII-asr 10-30 yillarida yaratgan portretlari to'g'risda fikr bildirishdan boshlandi. Xal's o'zining barkamol psixologik asarlarini yaratgan. Uning asarlarida tanqidiy qarashlar yaqqol ko'rina boshlagan

Голланд санъатининг энг гуллаган даври XVII аср 40-60 йилларига тўғри келади. Бу ривож буюк голланд рассоми **Рембрандт Харменс ван Рейн** (1606-1669) номи билан боғлиқ. Рембрандт голланд санъатининг ютуқларини умумлаштириб, уни янги юксак поғонага кўтарди ҳамда ўз даври санъаткорларидан асарлари мавзусининг ранг - баранглиги, ранггасвир, гравюра (офорт) ва қаламсуратда юксак махоратли асарлар ярата олиши билан ўзиб кетди. Унинг қаҳрамонлари кучли иродага эга, маънавий бой, оғир шарт - шароитда ҳам инсонийлик фазилатларини сақлай оладиган шахслардир. Рембрандт 1606 йили Лейден шаҳрида тегирмончи оиласида туғилган. Шу ерда лотин мактабини тугатгач, Лейден университетига қабул қилинган. Лекин Рембрандт у ерда бир йилча ўқиган, ҳолос. Рассомликка бўлган қизиқиш туфайли Яков Сваненбюرخ деган ўрта ҳол рассом устахонасида уч йил, кейинроқ, эса Амстердамда **Питер Ластман** устахонасида бир ярим йилча тасвириёт асосларини ўрганган. Сўнг ўз шаҳрига қайтган. 1625 йили ўз устахонасини ташкил этган. Рассомнинг илк ижоди 20-йиллар сўнгги ва 30-йиллар бошларига тўғри келади. Рассом бу йилларда *автопортрет* соҳасида кўп меҳнат қилиб инсон мимикаси ва унинг киши ички дунёси билан

алоқасини тушуниб етишга ҳаракат қилади. Офорт санъатида дастлабки машқларини бошлайди. Санъаткор 1632 йили Амстердамга кўчиб келади ва тезда энг машҳур рассомга айланади. Буюртма ишларнинг кўпайиб бориши унинг моддий мустақил бўлиб, атрофига шогирдларни тўплашига имконият яратди. Рассомнинг бу йилларда яратган асарлари кўтаринки руҳда ишланган. У композицияларини ёрқин бўёқларда тасвирлайди, кимматбаҳо буюмлар, гул ва биллурлар, либослар унинг яратган асарларга қувонч ва шодлик туйғуларини киритади.

"Адашган ўғилнинг қайтиши" рассомнинг сўнгги асарида ҳаёт қанчалик мураккаб эканлигини акс эттиргани ҳолда, инсонга хос фазилят - унинг кечирувчинлигини илохийлаштиради. Асарда ота оёғига йиқилган ўғил ва уни меҳри ва изтироб билан қаршилаётган ота образи тасвирланган. Отанинг ўз ўғли қилмишларини кечириб, унга меҳр ва ачиниш билан қарши олаётганини рассом зўр маҳорат билан очиб беради. Отанинг қўллари ҳаракатида унинг меҳрибонлиги сезилиб туради. Аксинча, ўғилнинг ялангоёқ, кир, йиртилган, жулдур кийимида тиз чўккан ҳолатда тасвирлаб, афсусланишни акс эттиради. Композицияда тасвирланган бошқа образларнинг сокин, осойишта, чуқур ҳаёлга чўккан ҳолатларини аниқ кўрсатилиши бўлаётган воқеа мазмунини янада тўлиқроқ очилишига ёрдам беради. Рембрандт қаламсурат ва офортчи сифатида ҳам машҳур.

Ўзбек тасвирий санъати тарихида **Малик Набиев** яратган асарларидан буюк алломаларимиз: Абу Райхон Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Ал-Розий, Мирзо Улуғбек, Захриддин Мухаммад Бобур, Амир Темур, Аҳмад

Фарғоний, Камолиддин Бехзод портретлари етуклиги, инсон руҳиятини очилиши билан айниқса машҳурдир. Барча дарсликларда ва тарихий меросимизда ушбу портретлардан фойдаланилмокда.

Ўзбекистон тарихи музейида сақланаётган «Спитамен қўзғалони», Жиззах ўлкашунослик музейидаги «Жиззах қўзғалони» ва бошқа ўнлаб тарихий асарлари томошабинларимизга ёд бўлиб кетган. Халқимизнинг асл фарзандлари, адолат деб бош кўтариб, катагон қилинган Файзулла Хўжаев, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Абдулла Кодирийлар қиёфалари ўзига хос кўринишларда жонланган. Босқинчилар билан мардоновор олишган Дукчи Эшонга бағишланган асар.

Малик Набиев ўз халқи ҳаётини пухта билган мусаввирлигини унутмаслик керак. У ижодини ўз миллати «Ўзбек портрета» (1937 йил)дан бошлаганди. У устозлари Ақром Тошканбоев ва Баҳром Ҳамдамийларнинг «Сен ўзбексан, ўзбек рассомсан, шундай экан, ўз халқинг ҳаётини чуқур ўрган, ўзбекларни тасвирла, кейин бошқаларни» деган васиятларига амал қилгани учун ишлари ўнгидан келаверди. Лекин муваффақият осонликча қўлга киритилмаслигини Малик Набиев яхши биларди. Масалан, саксон ёшни қоралаб қолган бир пайитда чизилган “Соҳибқирон Амир Темур” портрета ўзига хос тарихга эга. 1941 йилда тарих музейига келтирилган Темур ва темурийларни мумёлаб қўйилган жасадларини ўз кўзи билан кўрган рассом уни тасвирлашда жуда кийналди. Ўй-хаёллар оғушида ғарқ бўлган пайитларидан бирида туш кўрди. Тушига соҳибқирон Темур кириб, гўё уни руҳлантиргандек бўлди. Мана шу ерда ушбу шох-асар ҳисобланган

Малик Набиевнинг «Амир Темур» портретини қисқача тахлилини қилсак ўринли ҳисобланади.

Тарихий шахслар портрета борасида узоқ йиллар давомидаги ижодий тажриба, билим ва малакалар эвазига юзага келган Амир Темур портретида такрорланмас образни кўрамиз. Санъат ихлосмандлари эътиборини ўзига жалб қилган бу портретда Соҳибқирон саркарда қиёфасида гавдалантирилган. Бошига олтин тож кийган Темурнинг нигоҳи бир нуқтага қаратилагн бўлиб, жиддий ҳаёл огушида эканлиги, чап қовоғи бироз кўтарилиб, қоши тепага чимирилганидан сезилиб туради. Юз қиёфаси асосан бугдойранг туслар орқали тасвирланган. Пешона, юз қисмидаги чизикдар, шунингдек, бурун, лаб, кулоқ, соқол-мўйлабларнинг ҳолати Темурнинг нуронийлигини кўрсатсада, унинг ҳали тетик ва бақувват экани яққол сезилиб турибди. Айниқса бу ҳолат юзда кўзга ташланаётган пишиқдик, чайирликда аниқроқ кўринади. Жиддий фикр ва ҳаёл билан бандлиги Соҳибқиронни янада салобатли қилиб кўрсатади. Елкадор қўллари эса бамайли хотир қиличга таянган ҳолда. Қўл бармоклари шундай характерли тасвирланганки улар Соҳибқироннинг машаққатли жангу жадаллардан мардонавор ўтганини тасдиқлаб турибди. Портретдаги ўткир ва синчковли кўз қарашлар рассомнинг Темур образи борасидаги чинакам изланишлари натижасидир.

Амир Темур қиёфасида мағрурлик ва куч-қудратга эгалиги унинг хотиржам ўтириши ҳолатида аниқ гавдаланган. Шарқона безатилагн шоҳ саройининг бир бўлаги деразадан Самарканд шаҳри манзараси кўринади.

Девордаги фонда нақшин безаклар, Соҳибқирон ўтирган салтанат курсисининг бадиий кўркемлиги, шунингдек, Амир Темури эънидаги либосларнинг бой кўркиниши томошабинни замона ҳақида тўлиқроқ тушунчага эга бўлишида ёрдам беради. Умуман мусаввир Амир Темури образини тасвирлаш борасида бутун маҳоратини ишга солиб улкан муваффақиятни қўлга киритади.

Мусаввирнинг дунё миқёсида қабул қилинган, ЮНЕСКО тан олган иши Абу Райхон Беруний портрети бўлса, эндиғиси қариган чоғида тасвирланган Амир Темури портрети бўлганлиғи ҳам беғиз эмас. Буниси ҳам мезон сифатида қабул қилинди. Пойтахтимиздағи, Самарканд ва Шаҳрисабздағи, ҳуллас, барча яратилган Амир Темури ҳайкалларида ана шу киёфа ўз аксини топган. Айнан шу киёфа асосида тақвимлар, плакатлар, маркалар чиқди.

2.3. Никола Пуссен, Клод Лоррен-манзара жанрининг асосчилари.

17 аср француз санъатининг йирик намоёндаси **Никола Пуссен** (1594-1665) классицизмнинг йирик вакили сифатида унинг бутун имкониятларини рўй-рост очиб берди. Н.Пуссен Франциянинг шимолий шаҳарчаларидан бирида ҳарбий хизматчи оиласида дунёга келди. Тасвирий санъат асосларини шу ердағи рассомлардан ўрганди. 1610 йил бошларида Пуссен Италия бўйлаб саёҳат қилди, уйғониш даври санъати намуналари билан танишди. Айниқса Рафаэл ижоди унда катта таассурот қолдирди. Рассомнинг диний воқеаларга ишлаган суратларида барокко таъсири, унинг мифология асосида ишлаган суратларида Тицианга хос

ранг ҳис қилиш ҳаётни тўлақонли англаш сезилади. Бу суратлар кўтаринки руҳда чизилган. Ёзув услуби ҳам эркин, колорити илиқ, нурга бой. 1620 йил охирларидан бошлаб, Пуссен ижодида классицизмнинг ўзига хос томонлари кўрина бошлади. Ишлаган асарларида образларни идеаллаштириш ва композицияни ақл - идрок орқали тартибга келтиришга интилиш сезилади. “Танкред ва Эрминия” асарида рассом амазонка Эрминиянинг ўз рақиби, яраланган рицарь Танкредга нисбатан уйғонган муҳаббати тасвирланади. Асарда яраланган Танкредни жуда эҳтиёткорлик билан кўтараётган Бадрин(Танкреднинг дўсти) ва оқ отидан тушиб, ўз қиличи билан сочини кесиб, ярадор Танкреднинг ярасини боғлаш учун ҳаракат қилаётган Эрминия кўрсатилади. Асарда икки қарама - қарши образ - бир томондан, ҳаётдан кўз юмаётган Танкред ва иккинчи томондан, ҳаяжонланаётган Эрминия ҳатти - ҳаракатлари таъсирчан ифода қилинган. Танкред ва унинг дўсти устидаги темир ниқоб ва ҳилпираётган Эрминия кийимлари асарнинг драматиклигини оширади. Ботиб бораётган қуёшнинг шафақ нурлари эса бўлиб ўтган воқеалардаги қайғуни билдиради. Пуссен ижодига хос муҳим хусусиятлардан бири воқеликни ҳаракатда тасвирлашдир. Рассом ҳаракатни "гавданинг тили" деб таърифлайди. Гавда ҳаракати, юзда бўладиган мимик ўзгаришлар, имо - ишорадан рассом шахснинг ички дунёсини таърифлашда фойдаланади. 1630 йилларга келиб, Пуссен ижодида ҳаёт тўғрисидаги мунгли фалсафий қарашлар намоён бўла бошлади. Инсон ҳаёти ниҳоятда қисқа ва ўткинчи эканлигини ачиниш билан ифодалайди. 1640 йил охирларига келиб, Пуссен манзара жанрига

мурожаат қила бошлайди. Табиат кўринишидаги улуғворлик, бепоёнлик, сирга тўла ҳолат рассомни ҳаяжонлантиради. Пуссен табиатни одамларсиз тасаввур эта олмайди. Рассом асарларида табиатнинг улуғвор ва чексизлигини ифода қилади. Уларда инсон ва табиат уйғунлиги, инсон табиат олдида кичик зарра эканлиги талқин этилади. Пуссен ижодининг сўнгги босқичида яратилган "Геркулес ва Какус жанги" асари сюжети I аср Рим ёзувчиси Вергилийнинг "Энеида" поэмасидан олинган. Унда антик қахрамон Геркулеснинг Какус билан бўлган жанги ҳикоя қилинади. Композицияда табиат кўриниши асосий ўринни эгаллайди. Мақобатли тоғ, баланд дарахтлар, осмондаги булутлар улуғвор, табиат кўринишини яратади. Шу табиат қўйнида тасвирланган Геркулес ва мағлубиятга учраган Какус кўриниши бу улуғворликни бузмагандек сокин ва хотиржам. Шу хотиржамлик ва табиат ичидаги зиддиятларда рассом ҳаёт мазмунини кўради. Пуссеннинг йил фаслларига бағишланган асарлари инсон ҳаётининг тўрт фасл рамзи сифатида талқин этилади. Пуссен ижодида қаламсурат ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу суратлар бўлажак асарнинг яратиш пайтида ишланган бўлиб, рассом ҳар бир асари композицияси устида узоқ вақт ишлаганлигини ва композиция яратиш борасида излаганлигини кўрсатади. Пуссен ижоди француз санъати тарихида муҳим ўринни эгаллайди. У яратган мумтоз услуб француз санъатида кейинги асрда давом этди, ривожлантирилди. **Клод Лоррен** (1600-1682) Классицизмнинг йирик вакили, классик манзарани таниқли намояндаси Клод Желле (Лоррен унинг адабий тахаллуси) ёшлигида

Италияга келиб қолди. Кейинги ҳаёти Рим билан боғлиқ бўлди. Лоррен асосан классик манзарада ижод қилган. Унинг манзаралари лирик хис туйғу билан суғорилган бўлиб, улар кўп ҳолларда мунгли кайфиятда тасвирланади. Рассом асарларда табиат тинч ҳолатда кўрсатилади. Унинг асарларида ярим вайрона бўлган антик ёки афсонавий меъморлик қолдиқлари кўркем дарахтлар фонида ғоят жозибали кўринади. Лоррен классик манзара санъатининг вакилидир. Унинг композициялари аниқ тартибда ишланган. Лекин бу унинг реалистик ҳарактерига путур етказмайди. Рассом ҳавога тўла бепоён кенгликни усталик билан кўрсатади. Ундаги нур ва соя товланишларини маҳорат билан гавдалантиради. Рассомнинг "Тонг", "Туш пайти", "Кечки пайт" асарлари ўзига хос ранг тизимида ечилган. Лоррен қаламсурат санъатида ҳам самарали ижод қилди. Унинг натурадан ишлаган суратлари ҳамда офортлари ўзининг ҳаётийлиги билан ажралиб туради ва рассомнинг кузатувчанлигидан далолат беради. Рассом классик манзара жанрининг мукамал кўринишини яратди. Унинг ижоди кейинчалик француз ва Европа санъатига сезиларли таъсир ўтказди.

2.4. XX аср Ўзбекистон рассомлари ижодида она табиат сиймоси

Ўзбекистон рассомлари ижодида манзара жанрининг турли қирралари намоён бўлади. Рассомлар бошқа жанр вақлларидан аввалроқ шу санъатда ўзларининг интим лирик кайфиятларини ,хиссий кечинмаларини ифодалайдилар. Шундай ютуқлар О.Татевосян, А.Волков, М.Новиков Тансиқбоев,Қорахон,Р.Тимуров, А.Розиқов каби

иждокорлар асарларда кўрина бошлади ва мукамалликка эришди. Тансиқбоев урушдан кейинги дастлабки йилларда кўпроқ колхоз ҳаётига боғишланган асарлар яратди. “Тоғдаги колхоз” 1949, “Пешин. Овқат пайти “ 1949, «Гуруч экадига колхозда» 1949., асарларида ҳаётий воқеаларга кенг ўрин берилган. 40 –йиллар охири 50- йилларнинг бошларидан рассом ижодида манзара жанри етакчи ўринга чиқа бошлади. Унинг «Ғўза суғориш», «Ўзбекистонда баҳор», каби асарларда ҳаётий воқеаларга кенг ўрин берилган бўлса ҳам лекин асар ғоявий мазмунини табиат кўриниши ўз устига олади. Рассом бу асарларида табиатнинг эрталабки жонланиши пайтини маҳорат билан тасвирлайди. Бу даврдан бошлаб рассом ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган муҳим воқеа ва ходисаларни ҳам манзара жанрида акс эттиришга, она юрт образини яратишга ҳаракат қила бошлайди ва бу борада ютуқларни қўлга киритиб манзара рассомчилигида таниқли иждокорлардан бирига айланди. Лиро-эпик планда манзарлар ишлайдиган рассом сифатида танилади. Тансиқбоев 1951 йилда яратган «Жонажон ўлка» асарида Ўзбекистон гўзаллигини, унда тинч, яратувчилик иштиёқи билан меҳнат қилаётган ҳаётини кўрсатади. Асарнинг ёрқин колорити, нур ва ҳавога тўла композиция ва энг муҳими воқеликни янгича талқин этиши асарга алоҳида жазиба киритади. Рассомнинг “Жонажон ўлка» асари манзара рассомчилигида юртнинг бадий образини яратиш борасидаги ҳаракатининг дастлабки босқичи бўлди. Бу асар шу давр санъатида мавжуд бўлган ҳикоянависликдан холи эмас. Хаддан ташқари майда

деталларга эътибор берганлиги, асар колоритида яхлитлик етишмаслиги кўзга ташланса ҳам, лекин ўша йиллар ўзбек манзара жанри учун катта ютуқ эди. Шу даврдан бошлаб унинг мавзуси янада кенгайиб боради. Ўрта Осиё манзаралари, унинг боғу роғларининг гўзаллиги расом асарларида ўз аксини топа бошлайди. “Иссиқ кўлда оқшом” , «Тоғдаги яйлов», “Тоғда куз” ва б. 50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб расом асарларида ранг, асар колорити аввалгиларга қараганда ёрқинлашиб асар таъсир кучини ошириб борди. 50 – йиллардан Ўзбекистонда ва умуман Мустақил ҳамдўстлик мамлакатларида катта қурилиш ишлари олиб борилди, йирик иншоотлар барпо этилди, асрлар бўйи қақраб ётган чўлларга сув чиқарилди, янги шаҳарлар барпо этилди. Расом ижодида инсон меҳнати билан ўзгарб бораётган табиат кўринишлари ўз ифодасини топди. Расом индустриал манзара борасида меҳнат қилар экан шу борада яратилган ютуқларни умумлаштирган ҳолда янги ерларни ўзлаштириш мавзусига мурожат қилади. 1957 йили яратган «Қайроққум ГЭСида тонг» асари индустриал манзарада яратилган энг яхши асарлардан ҳисобланади . Унда кишиларнинг меҳнати билан яратилаётган тўғон орқали янги қўриқ ерларни ўзлаштираётгани, сув чиқараётган халқнинг жасоратини кўрсатади. Асарнинг муҳим томони шундаки расом индустриал объект кўринишини ишлаш билан чегараланмай тасвирланаётган объектдан гўзаллик топишга интилади. Ўринли топилган композиция ва нозик ранг тизими асарга алоҳида жозиба беради. Улар саҳар пайтидаги енгил шабадаси завқини киши

калбига олиб киради. Тансиқбоевнинг «Қайроққум ГЭСида тонг» асари Халқаро кўргазмаларда кўмиш ва бронза медаллари билан тақдирланди.

Н.Корохон ижодида образ яратиш, ҳикоянавислик кўчайди. «Жонажон ўлка» (1948) «Қадирдон даллалар» примитив санъат таъсири кучли. 50-йиллардан бошлаб тоғ манзарараси етакчи ўринга шу борада ўзининг етук асарларини яратиб манзарачи сафатида танилди. «Тоғда оқшом» , «Гуллаётган водий», «Олтин кўз »(1961), «Тоғда кўз», «Олтин симфония» (1962) йил ва бошқалар.

Тимуровнинг урушдан кейинги йилларида яратган асарлари кўпроқ Самарқандга бағишланган. Унинг гулга ўралган ажойиб табиати, шу табиат қўйнида сукут сақлаб ётган ноёб обидалари, ўз юмушлари билан банд одамлар бу йилларда яратган асарларининг мазмунини ташкил этади. Рассомнинг манзарачиликдаги маҳорати ҳам ўсади. У табиатнинг турли пайтдаги ҳолатлари-бўлутли кунларнинг нам ҳавоси, борлиқни ҳаракатга келтирадиган шамол қудрати, уйғониб келаётган табиатнинг ўзига хос томонларини усталик билан очиб беради. “Самарқанд боғлари” (1951, ДСМ), “Булутли кун” (1951, Бухоро ўлкани ўрганиш музейи). Аста рассом лирик кайфиятни бериш ҳаёт тўрисидаги фалсафий ўй дунёқараш ларини лирик талқин этувчи лирик манзара устасига айланиб борди. Унинг “Улуғбек мадрасаси. “Баҳор” (1957), Бибиҳоним майдони олдида», “Самарқанд” (1958.ДСМ) каби асарларда кўриш мумкин.

Ашраф Розиков рассомлик маҳорати урушдан кейинги йилларда очилди. Бу йиллардан бошлаб манзара жанрида фаол ижод қилиб ўз характери жиҳатдан сюжетли манзараларга ўхшаш этюдлар ишлади. Гул ва яшилга бой ўзбек ҳовлилари унинг қатор асарларининг мазмунини ташкил этди. Бу расмларнинг ишлашда устози П.П. Беньковнинг таъсири сезиларлидир. Гап шундаки, марказий Осиёнинг табиати, шакл ва рангларга бой меморчилик обидалари доим гуллаш ва ривожланишда бўлган табиати П.П.Беньков учун битмас - уганмас ижод манбаидир. Шунинг учун у табиат қўйнида бўлиб унинг қайтарилмас шу жозибаларнинг ўз асарларида акс эттиришга шошилади. Розиковлар ҳовлиси Беньков учун, ижодий изланишлари учун маъқул бўлгандан, шу ерда бир қанча вақт расм ишлашга сабаб бўлди. Беньковнинг бу ердаги меҳнати рассом Розиковга таъсир этмай қолмади, у ўз устози ёнида туриб, расмлар ишлади. Ана шу йилларда Розиков ижодида ўзбек ҳовлиси туркумида қатор композициялар вужудга келди. Булар ичида “ўзбек ҳовлиси”, “Ҳовли”, “Беньков этюд ишламоқда”, каби асарлар яратди. Шунингдек шу даврдан бошлаб Самарқанд обидалари, унинг нур ва қуёшга тўла серфайз кўчалари ва майдонлари рассом асарларида ўз аксини топа бошлади. Розиковнинг Ҳовличалари да сўзсиз Беньков таъсири сезилади, бу ҳол мавзу танлашида эркин ранг сурмаларининг дадил ишлатишида кўзга ташланади. Рассом ранг нисбатларини, нозик хис қилади, рангнинг бой психологик имкониятлардан усталик билан фойдаланиши асарларига алоҳида жозоба беради. Урушдан кейинги

йиллар манзарачи рассом М.Новиков учун ҳам самарали бўлди. «Кўз»1950, «Баҳор»1953, «Анхор бўйида»1953, «Янги Тошкент» асарлар туркуми, «Хукмат уйи», А.Навоий ёдгорлиги олдида», «Пайафзалчилар фабрикаси» ва б. рассом манзарада севимли шаҳри Тошкент сўлим боғлари, меъморий обидаларини меҳр билан тасвирлайди. Майин ранг тизими асарларига алоҳида мазмун бахш этиб лирик туйғулар билан бойитади.

Бу йилларда манзара жанрида **Ган Павел Викторович** реалистик санъат йўналишида, кўпроқ биродарлик анъаналарида ҳикоянавис сюжетли композициялар ва манзара жанрига оид асарлар яратган. Рассом ижодида Бўстонлиқ манзаралари, Тошкент атрофи манзаралари кенг ўринни эгаллайди «Чимён этакларида. Оқшом», «Тоғ оқшоми», «Шоли ўрими», «Мироб»(1960) шулар жумласидан. Булардан ташқари рассом урушдан кейинги йилларда янги ерларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги махсулотларини кўпайтиришга қаратилган плакатнамо, чақирик руҳидаги асарларни ҳам яратиб давр талабига жавоб беришга ҳаракат қилди.”Тракторлар учунт ёқиғли”1947, “Далалар хўжайини”1950, ”Янги ерда”, 1953, “Тракторчиларнинг тушлиги”1954, “Чирчикдаги йирик панел заводи”,1957 ва бошқаларда рассомнинг маҳорати намоён бўлади. Мухими шундаки, унинг асарларидаги ташқи ҳикоянавислик табиат кўриниши ва ҳолатини ранглар тизими ва чуқур хиссий туйғулар билан ечиши асарларига алоҳида куч бахш этади. Табиат ва инсон ўзаро кўшилиб ягона шоирона дунёни яратади. Жумладан унинг “Дала

хўжайини “ асарида юксак маҳорат билан ишланган баҳор манзараси миробнинг кўтаринки руҳи ва шодлигини ёритиб қолмай таомашабинга ҳам шу кайфиятни беради., унинг лирик кайфиятини кўтаради. Рассом ижодининг шу томонлари унинг “Жўшқин май”, “Қарғалар учиб кетмоқда” асарларини яққол кўринади

40-50 йилларда Аринин Чепраков, Богодухов, Шполянский, Шевяков манзара жанрида самарали ижод қилдилар20 йилларнинг иккинчи ярми 30 йилларнинг бошларида бадиий ҳаётда фаол иштирок этиб графика ва рангтасвирда ўзига хос асарлари билан кўпчилик диққатини ўзига қаратган, ўз асарлари билан хорижий мамлакатларда кўргазмада иштирок этишга муяссар бўлган рассомлардан бири Ўрол Тансиқбоев эди. Унинг 1927 йили чизган "Ўзбек портрети" асари Филадельфия (АҚШ,1934), Москвада (1934) да намоиш этилган. Унинг қалам, рангли қалам, гуаш бўёғида чизган расмлари, мойбуёқда бажарган композициялари ўзининг бадиий ечими ва мавзу танлаш билан ажралиб туради. Охангдор, ёрқин рангли, ўзига хос композициялари («Мовий эшак», " Ўтовда ва бошқалар) рассомнинг шу даврдаги ижодий изланишларини намоиш этади

Ўрол Тансиқбоев 1904 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1924 йили Ўзбекистон санъат музейи қошидаги рассомчилик студиясида рус рассоми И.Репин шогирди В.Розонов қулида тасвирий санъат асосларини эгаллади.

Ў.Тансиқбоев уруш бўлиб ўтган жойларда бўлиб у ерлардан расм чизиб қайтдилар. Шулар асосида кейинчалик уруш мавзусида асарлар яратдилар. Жумладан У.Тансиқбоев 1942 йили Москва оstonаларига Ўзбекистонли делегатлар билан бориб жанг бўлиб ўтган майдонларини ўз кўзи билан кўрди, жангчилар билан суҳбатда бўлди, бевосита жанг бўлган жойларда расмлар ишлади. Ўзбекистонга қайтгач чизилган этюдлар, олган таасуротлар асосида «Уруш йилларида» деб номланган асарлар туркумини яратди. Бу туркум 15 полотнодан иборат бўлиб уларнинг ҳаммаси бир бири билан ўзвий боғлиқ. «Озод этилган ерларда», «Душман изи», «Ҳаво жанги» каби асарларида рассом душманни вайронагарчилик келтирувчи офат, унинг пой қадами етган ерлар қабрстон, култепага айланишини кўрсатади. «Озод этилган ерларда» асарида кишиларнинг келажакка ишонишларини куйлайди, бунёдкорликка бўлган зўр иштиёқи қаламга олинган Уруш йилларида майиший жанрда ишланган асарларда фронт ортида бўлаётган воқеалар ўз аксини топган. Уларда рассомлар воқеликни, бўлаётган воқеаларни шарҳловчи репартёр сифатида ифодалашга мойиллик кучли. Юз бераётган давр воқеаси сифатида кишиларнинг кундалик турмуши, уларнинг меҳнат майдонидаги жасорати шу йилларда яратилган майиший жанрдаги асарларнинг мазмунини ташкил этидаи.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, Ўзбекистон ерларида тасвирий санъатнинг ривожланиши ва унинг моҳияти Буюк зотларимиз қолдириб кетган бадиий меросни ўрганиш, уларни асраб-авайлаб сақлаш ва уларни янада кўпайтирган ҳолда ўзимиздан кейинги авлодларга етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммамизга олишимиз зарурлигини баён этади. Шу билан биргаликда келажак авлод – биз ёшларнинг санъатга ўзимизнинг ҳиссамизни янги замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқиш орқали Мустақил Ўзбекистон давлатимизда санъатни янада гуллаб яшнатишга асосланади. Хулоса қилиб шуни айтишимиз керакки, биз туғилиб ўсган ва яшаётган диёр – Ўзбекистон деб аталмиш мамлакат азалдан илм-фан, маърифат, санъат, маданият ва маънавият барқ уриб гуллаган замин бўлган, унда жаҳоннинг Буюк зотлари Зардушт, Абдулла ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Алишер Навоий кабилар туғилиб, яшаб, ижод этиб, келажак авлодлар учун фахрланишга арзигулик илмий ва маданий мерос қолдириб кетганлар. Бизнинг заминимиз шунчалик кўхна, шунчалик маданий меросга бой ўлкаки, биз улардан меросий фахрланишга ҳақлимиз. Она юртимизнинг яқин тарихи ҳам бизга Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Тошкент, Хива, Қўқон, Косон, Термез каби қадимий шаҳарларни мерос қилиб қолдирдилар, бугун биз улар заминида яшамоқдамиз. Шунга кўра, бизнинг бугунги бурчимиз бўлиб қолган кўхна заминимиз тарихини, халқимизнинг

ибтидоий давр санъатига, маданиятига ва маънавиятига бўлган қарашларни ўрганиш бизнинг устивор вазифамиз бўлиб қолади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. И.А.Каримов. “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”. Т.1994 й.
2. И.А.Каримов. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Т.1998 й.
3. И.А.Каримов. “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Т.1998 й.
4. Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси. 1997 йил
5. Ахмедов Б. “Ўзбекистон халқлари тарихи манбашунослиги”. Т.1991 й.
6. Бойназаров Б. “Ўрта Осиёни антик даври”. Т.1991 й.
7. Ахмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи, манбашунослиги. Т. 1991/2000й.
8. [www. TDPU.uz](http://www.TDPU.uz)
9. www. pedagog.uz
10. www. Ziyonet.uz